# ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

## (“Мўйноқ” кичик саноат зонаси мисолида)

**О.Хайдаров** - *тадқиқотчи*

*Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази*

**Таянч сўзлар:** кичик саноат зонаси, меҳнат ресурслари, истиқбол кўрсаткичлари, касб-ҳунарга мақсадли йўналтириш, инвестиция, тадбиркорлик субъектлари, аҳоли бандлиги.

**Ключевые слова:** зона химической промышленности, трудовые ресурсы, перспективные показатели, профессиональная ориентация, инвестиции, субъекты предпринимательства, занятость населения.

**Key words:** zone of chemical industry zone, labour rescources, prosperous indexes, aim directed professions, investment, enterprise subjects, employment.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг барпо этилиши минтақалар иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи жараёнида ушбу минтақада яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан: **“Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз”** [1] деб таъкидлаган эдилар. Ушбу мақсадда “Мўйноқ” кичик саноат зонасининг ташкил қилиниши ҳудуддаги бой хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини кўпайтириш ва мазкур ҳудуд аҳолиси учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда иқтисодий ривожлантириш ва бандликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди [4], натижада ушбу ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли кўрсаткичлари асосида қуйидагилар устивор вазифа сифатида белгилаб берилди . Жумладан:

Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, табиий иқлим шароити ва ресурсларини, ҳамда аҳолининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, туманда 2017-2018 йилларда умумий қиймати 52,3 млрд. сўм, жумладан 990 минг АҚШ долларига тенг бўлган 72 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1343та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган.

Шундан;

- Саноат йўналишида 28та лойиҳа (30,2 млрд.сўм, 990 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция) бўйича 958та янги иш ўрни;
- Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм йўналишида 28та лойиҳа (17,2 млрд.сўм миқдорида инвестиция) бўйича 282та янги иш ўрни;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишида 16та лойиҳа (4,9 млрд.сўм миқдорида инвестиция) бўйича 103та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Шунингдек, туманга инвесторларни кенгроқ жалб қилиш ва тадбиркорларга янгича ёндашув асосида қулайликлар яратиш мақсадида:

-Мўйноқ туманидаги собиқ “Мўйноқ балиқ консерва комбинати” ҳудудида 16 гектар ва собиқ 5-қурилиш бошқармаси ҳудудида 4,5 гектар, жами 20,5 гектар майдонда электротехника, қурилиш материаллари, суғориш ускуналари, сув насослари, сув ҳисоблагичлари, сув қувурлари, тайёр трикотаж, тикувчилик ва бошқа замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича “Мўйноқ” кичик саноат зонасини барпо этиш;

- “Мўйноқ” кичик саноат зонасида янги ташкил этиладиган ва унинг майдонида саноат соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларини барча турдаги солиқлардан озод этиш;
- туман ҳудудида рўйхатдан ўтган ва ушбу ҳудудда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар тарзидаги даромадлар солиқдан 10 йил муддатга озод қилиниши белгиланган.
- Мўйноқ туманида амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар бўйича тадбиркорлик субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкасида кредитлар ажратиш назарда тутилган.
- Мўйноқ туманидаги давлат мулки бўлган 12та бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида салоҳиятли инвесторларга «ноль» харид қийматида ҳамда фойдаланилмаётган бошқа давлат объектлари «ноль» қийматда ижарага ҳам берилиши белгиланган.

Мўйноқда туризмни ривожлантириш мақсадида туман марказида Moynaq City Center савдо-туризм коплексини ташкил қилиш ва бу лойиҳа бўйича “Меҳмонхона”, “Китоблар дунёси”, “Совғалар киоски”, “Фитнесс-маркази”, “Гўзаллик салони”, “Оптика”, “Интернет кафе” ташкил қилиниши режалаштирилган ва “Орол денгизи қирғоқлари бўйлаб квадратциклда учиш”, “Орол денгизи уникал минералларига тўйинган балчиқ (гряз) билан даволаш”, “Оролнинг сертузли даволаш ванналарини қабул қилиш” каби туристик хизматлар кўрсатувчи “Туризм Маркази” фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Аҳамиятли томони шундаки, қарорда Мўйноқ тумани ва Орол денгизи тарихи ва бугунги кунининг дунё микёсидаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Мўйноқни Ўзбекистоннинг туризм марказларидан бирига айлантириш мақсадида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг грант ва донор маблағларини жалб қилиш назарда тутилган. Ушбу белгиланган устивор вазифалардан келиб чиқиб “Мўйноқ” кичик саноат зонасида амалга ошириладиган стратегик вазифаларни изчил бажариш, яратиладиган иш ўринлари фаолият олиб кўрсатадиган кичик мутахасисларни мақсадли тайёрлаш механизмини яратиш кафолати ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларининг қабул квоталарини Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли кўрсаткичлари асосида шакллантириш энг муҳим долзарб масалалардан биридир. Ушбу мақсадда Мўйноқ туманидаги Мўйноқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ва Мўйноқ саноат транспорти касб-ҳунар коллежларида 2016-2017 ўқув йилида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг таҳлилини келтирамиз.

| | | |
|---|---|---|
| **Мўйноқ тумани** | | **300** |
| **Мўйноқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи** | | **90** |
| Компьютер инжиниринги техниги | 3330201 | 30 |
| Тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи | 3320906 | 30 |
| Мураббий-инструктор | 3610502 | 30 |
| **Мўйноқ саноат транспорт касб-ҳунар коллежи** | | **210** |
| Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш техниги | 3311903 | 30 |
| Ихтиолог | 3410603 | 30 |
| Нефт ва газни ташиш ва сақлаш қурилмалари техник-механиги | 3311901 | 30 |
| Менежер ёрдамчиси | 3230201 | 30 |
| Компьютер инжиниринги техниги | 3330201 | 30 |
| Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш (автомобиль транспорти) техниги | 3620101 | 30 |
| Тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи | 3320906 | 30 |

Ушбу таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, Мўйноқ туманидаги касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган кичик мутахассислар “Мўйноқ” кичик саноат зонасининг иқтисодиётни ривожланти-ришнинг истиқболли кўрсаткичлари билан солиш-тирилганда номутаносиблик мавжуддир,ушбу ҳолатда ҳудудда ўқувчиларни касб-ҳунарга мақсадли йўналтириш тизимини таълим амалиётига жориш этиш заруриятини келтириб чиқаради.Шу нуқтаи назардан яқин истиқболда мақсадли тайёрланадиган кичик мутахассислар “Мўйноқ” кичик

саноат зонасининг бой хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишлари, ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида олиб борилаётганислоҳотлар самарасини янада ошириши, туманнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. "Танқидий таҳлил,қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак". -Тошкент: "Ўзбекистон" -2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги"фармони "Халқ сўзи" газетаси 2017 йил 8 февраль сони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" фармони "Халқ сўзи" газетаси 2016 йил 27 октябрь сони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда иқтисодий ривожлантириш ва бандликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2803-сонли қарори. 2017 йил 28 февраль.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мамлакатимиз ҳудудларини давлат дастурлари асосида ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, ҳудудларда ўқувчиларни касб-ҳунарга мақсадли йўналтириш механизмлари таҳлиллар асосида ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются механизмы профессиональной ориентации учащихся в регионах, исходя из условий их перспективного развития на основе государственной программы регионального развития страны.

**SUMMARY**

The article deals with the mechanism of professional orientation of learners in regions, according to conditions of their perspective development on the basis of state programme of the regional development of the country.

## ДЕНЕ ТӘРБИЯСЫНДА БАСКЕТБОЛ – СПОРТ ОЙЫНЫНЫҢ ТӘЛИМ - ТӘРБИЯЛЫҚ ӘҲМИЙЕТИ

**Р.Хайдаров –** *ассистент оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** баскетбол, инсон организми, жисмоний тарбия, соғлиқ, гигиена, баскетбол матчлари, баскетбол секциялари, баскетбол машқлари, баскетбол федерацияси, тренер, тренировка.

**Ключевые слова:** баскетбол, тело, организм человека, физическое воспитание, здоровье, гигиена, баскетбольный матч, секции баскетбола, упражнения баскетбола, федерация баскетбола, тренер, тренировка.

**Key words:** basketball, body, organism of man, physical training, health, hygiene, basketball match, basketball sections, basketball trainings, basketball federation, trainee, training.

Баскетбол - спорт түри елимизде ең кең тарқалған ойынлардың бири. Онда қарсылас пенен беллесиўде исленетуғын ҳәрекетлер баслы өзгешеликке ийе. Баскетболдағы ҳәр түрли қыймыл - ҳәрекетлер нерв системасының беккемлениўине, зат алмасыў процесиниң, организмниң барлық системалық жумысларының жақсыланыўына жәрдем береди. Баскетбол инсанның түрли категориялары, әсиресе, ақыл мийнети менен шуғылланатуғын адамлар ушын актив дем алыс қуралы болып есапланады.

Өзбекстан Республикасының Биринши Президенти И.А.Каримов өз мийнетинде: «Дене тәрбиясы ҳәм спорт пенен турақлы шуғылланыў халқымыз, ең дәслеп, жас әўладларымыздың денсаўлығын беккемлеўде белгили орын тутыўын инабатқа алып, бул тараўға айрықша итибар қаратылмақта. Бүгинги күнде Өзбекстанда 2 миллионға жақын перзентлеримиз спорттың 30 дан артық түри менен турақлы шуғылланып атыр» [1:238] -деп айрықша атап өтеди. Әлбетте, бул спорт түрлериниң ишинде баскетбол да белгили физикалық тәлим – тәрбиялық әҳмийетке ийе.

Баскетбол саламатландырыўшы – гигиеналық хызмети менен бирге, үгит-нәсият, тәрбиялық әҳмийетке де ийе. Себеби, ойын тамашагөйлерде қызығыўшылық оятады ҳәм олардың да спортшылар сыяқлы шаққан, шыдамлы болыўға умтылдырады. Баскетбол менен шуғылланыў жигерлилик, өзине исеним, жәмәәтлилик, дослық сезимлериниң қәлиплесиўине тәсир етеди. Бирақ, тәрбиялаўдың нәтийжелилиги ең дәслеп педагогикалық процессте физикалық тәрбия ҳәм әдеп-икрамлылықты тәрбиялаўдың бир-бири менен қандай дәрежеде, өз ара мақсетке муўапық байланыста алып барылыўынан ғәрезли болады.

«Физикалық жақтан жақсы шыныққан жас спортшы, мектеп жасындағы балалар менен ислесиўге ҳәр түрли жарыслар шөлкемлестириў, баскетбол ойынларын алып барыў жас өспиримди әдеп – икрамлылыққа тәрбиялаўдың күшли қуралы бола алады. Жас өспиримлерди физикалық жақтан тәрбиялаўды әмелге асырғанда, олардың физикалық тәрбиясының бир қатар айырмашылықларын есапқа алыў керек. Жас өспиримлерди дене тәрбиясына тәрбиялаўдың мақсети менен таза спорт табысларын қолға киргизиў ғана емес, ал соның менен қатар тәлим - тәрбия бериў мәселесине итибар бериў керек. Усы мақсетте бул дәўирдеги дене тәрбиясын бериўдиң баслы бағдары жас әўладтың күнделикли спорт түрлери менен шуғылланыўына қызығыўшылығын арттырып, сап денели, дени саў болып өсиўине бел байлаў керек» [2:100-101].

Бир қатар педагоглар спорт ойынларының тәлим-тәрбиялық әҳмийети ҳаққында төмендегише пикирлерди билдиреди: «Оқытыўшы оқыўшылардың сабаққа болған қызығыўын асырыўда онда үлкен актёрлық шеберлик ҳәм өз тараўының устасы екенлиги үлкен әҳмийетке ийе. Әсиресе, дене тәрбиясы оқытыўшыларының кәсиплик шеберлиги, оқыўшылардың дене тәрбиясы сабақларына қызығыўшылығын қәлиплестириўде айрықша итибарға ылайық» [3:109-110].

Баскетбол спорт түри де физикалық тәрбияның қуралы сыпатында физикалық тәрбия ҳәрекетиниң түрли тармақларында кеңнен қолланылыў мүмкиншилигине ийе. Халық билимлендириўи системасында баскетбол мектепке шекемги тәрбия орынлары, улыўма орта билим бериў мектеплери, колледжлер, лицейлер ҳәм жоқары оқыў орынларында физикалық тәрбия бағдарламаларына киргизилген. Мектепке шекемги ҳәм киши мектеп жасындағы балалар ушын ҳәрекетли ойынлар ҳәм мини-баскетбол түри кең қолланылады. Оқыўшылар орта ҳәм жоқары мектеп жасында сабақларда, баскетбол секцияларында, балалар ҳәм өспиримлер спорт мектеплеринде баскетбол менен шуғылланады. Жоқары оқыў орынларында баскетбол академиялық ҳәм факультатив сабақларда алып барылады. Физикалық тәрбия ҳәрекетиниң анаў ямаса мынаў звеносының ўазыйпаларына қарай, сабақлардың тийкарғы мазмуны, бағдары ҳәм методикасы өзине тән өзгешеликлерге ийе. Баскетболға орта мектеплер ҳәм жоқары оқыў орынлары ушын физикалық тәрбия бағдарламаларында айрықша саат ажыратылған. Бүгинги күнде республикамызда баскетбол секцияларында 0,5 млн. (500мың) әтирапында балалар шуғылланбақта. Көп санлы тамашагөйлерге арналған спорт сарайларынан тысқары, баскетбол матчларын өткериўге болатуғын бир неше мыңлап майданлар бар. Физикалық тәрбия, спорт ҳәм оның түрлерин халықтың өзлери жасайтуғын жерлеринде турмысқа ендириў, денсаўлығын беккемлеў, физикалық қәбилетлерин асырыў, бос ўақыттан орынлы пайдаланыў, кеўилли дем алысын шөлкемлестириў, мийнет өнимдарлығын, жәмийетлик активлилигин асырыў сыяқлы әҳмийетли социаллық мәселелерди шешиўди мақсет етип қояды.

Ғалабалық физикалық тәрбияны аймақлық түрде шөлкемлестириў принципи бир қанша артықмашылық сыпатқа ийе. Бириншиден, шуғылланыў ушын узақ жерлерге барып келиў, ўақытты тежеў арқалы дем алыс ҳәм актив ҳәрекет ўақытларын көбейтиўге мүмкиншилик жаратылады. Екиншиден, өсип киятырған жас әўладты физикалық жақтан тәрбиялаўда ата-аналар басшылығында шынығыўлар өткериў, жәмәәтлик формада жарыслар шөлкемлестириў арқалы шаңарақтың да ролин күшейтиўге имканият жаратылады. Атап айтқанда, тренер кадрларды таярлаўда физикалық тәрбия институтларының хызмети айрықша. Миллий команда ушын резерв таярлаў, халық аралық майданда баскетболшылардың табысларға ерисиўи, бул спорт түриниң буннан былай да раўажланыўы тренерлердиң нәтийжели педагогикалық хызметине байланыслы. Тренер – әмелиятшылар өз билимлерин семинар ҳәм арнаўлы курсларда турақлы түрде жетилистирип барады.

Республикамызда баскетбол спорт түрин раўажландырыў мәселелери менен Баскетбол федерациясы шуғылланады. Федерацияның тийкарғы ўазыйпалары халықты баскетбол менен системалы шуғылланыўға ғалаба түрде тартыў, биргеликте ислеўге тәрбиялаў. Федерация ойын қағыйдаларын, бағдарламаларды, жарыслар ҳаққында режелерди, қолланбаларды, методикалық усынысларды ҳәм басқа да хүжжетлерди тастыйықлайды. Ол сайланды командалар ойыншылары қурамын, тренерлерди, олардың ис режелерин үйренеди, есабатларын қарап шығады. Баскетбол федерациясы тәрепинен «Өзбекстан Республикасының спорт шебери», «Республикалық категориядағы судья», «Мийнети сиңген тренер» ҳәм басқа атақлар бериледи.

Баскетбол спорт түринде арнаўлы физикалық таярлық, баскетбол ушын тән болған қыймыл-ҳәрекет сыпатларын раўаж-